

ҒАФУР ҒУЛОМ

АСАРЛАР

ҮН ТОМЛИК

**Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт
ва санъат нашриёти**

ҚАЙДА БАХТ

Бир пардали комедия

Биринчи кўриниш

Шоҳи тўқийдиган бир косиб йигитнинг якка қўл дастгоҳи. Саттор моки отмоқда. Онаси Хадича амма чархда найчага арқоқ тўлдирмоқда.

Хадича амма (чарх оҳангида куйлайди):

Чархим таноб ташлайди,
Бир балони бошлайди.
Худо олгур кундошим
Кунда уриш бошлайди.

Араванинг чуви бор,
Яхши чархнинг ғуви бор,
Худо севган банданинг
Имкони бор, ҳуви бор.
Ҳув...

Шу «ҳув»га ҳамоҳанг бўлиб чарх ҳам «ғув» этиб тўхтайтиди.

Саттор (моки отишдан тўхтайтиди. Бир керишиб қўларини қирсиллатиб олади). Ҳа, волида. Ҳаммадан ноумидлик ёмон. Агар хаёл шишасига ноумидлик тоши тегса, унда паришонликнинг санг резалари қолади. Зора пирлар пири ҳасти Идрис пайғамбар биздай тупроқ ялаб ётган

қулбаччаларига пешволик қилсалар. Биз ҳам шу оғир кунлардан қутилиб, рўёбга чиқиб қолсак. Илон пўст ташлагандай, шу гурбат жандасини бахт-толе хилъатига айирбош қилсак. Ҳа, айтганча, Дилбар келдими? Унга жуда ҳам уятли бўлдим-да. Қизи тушмагур оламда йўқ нусхани қидиради. Бир кийим иш учун бир бутун танда қўйишга, рост гап шуки, менда мадор йўқ.

Х а д и ч а а м м а. Хўш, деганда, қани ўғлим, бу йил балиқ йили, наҳанг, мор, асп, гўспанд, ҳамдуна, мурғ,— бу йил таппа-тақ йигирма еттига кирибсан. Сенинг тенгинг Рашиджоннинг икки қиз, бир ўғли бор. Сен бўлса уйла-нишдан гап очсам, олдимга «ноумид бўлманг»дан таван ясаб қўясан...

С а т т о р. Қарилик ўқсиз камонга ўхшайди. На унинг уриб олгудай ови, на мўлжал олган нишони бор. Менинг юрагимда бўлса умид, худди қайанорнинг донасидай кўп, тиқин. Охир бири бўлмаса, бириси мени ниятимга етаклар. Одам деган жаланинг кўпиги эмас. Бири ўчади, яна бириси гўзалайди. Йўқ, дунёга келгандан кейин ном қолдириб кетиш керак. Шайхи Аттор валий деганни биласизми? Ана ўша киши ҳам аттор бўлган, ҳам шоир бўлган — «Мантиқ ут-тайр» деган китоб ўша одамники, ҳам валий бўлган. Шу уч хислатга у сабру қаноат билан етишган. Мана, отам раҳматликнинг гўри билан битта нур бўлсин, сизга ҳам раҳмат, ўқитдингиз, ҳунар ўргандим, энди...

Х а д и ч а а м м а (гапни бўлади). У замонлар дори-ламон эди, болам. Даданг шўрлик ҳар чоршанба бозордан қўйни-қўнжи тўлиб келар эди. Доим менга: «Хатча, биласанми, сени ўн еттита хонатласга олганман-а», дерди. Доим: «Худо менга ўғил берса муллои забардаст қиламан», дерди. Мана энди...

С а т т о р. Эй, волида, агар у замонларда мунақа текстиль деган гаплар йўқ эди. Текстилда шунақа эпчил машина дўконлар борки, бир соатда етти косибнинг бир ҳафта-

лик ишини қилади. Фуқаро албатта текстиль молига қараб югуради-да... Бозорда бир мартаба косибнинг овраси қолмаган. Шом — қуёш оёғининг сояси, деганлар. Демак, у бошларга ҳам кун тушган. Шундай қилиб, дунёга келгандан кейин ном қолдириб кетиш керак, волида. Косиблик бўлмаса — шоирлик... Бу ҳам бўлмаса... (Дўкон ёнидан ўртача қалинликдаги бир китобни олади. Китоб устига «Калила ва Димна» деб ёзилган. Китоб орасидан бир варақ қоғоз олади.)

К а м п и р ў з ишига тушиб кетади.

Лекин тахаллуснинг яхшисини топиб олдим. «Чархий» жуда ҳам жойида. Эчкининг тахаллуси Мулла Абдукарим, қўтир итники бойбачча бўлганидай, каминаники — Чархий.

Кўзингдан, кўзларингсиз бу кўнгулда асли ёз ўлмас,
Қиё боқмоқ билан кўз сурмаси кўзлар оз ўлмас.

Муҳаббат риштаси бирлан кўнгишлар қолди дастингдан
Хиноли қўл билан черт, бўлмаса бу ришта соз ўлмас.

Қаро қош худди қалдирғоч қанотидай қилур парвоз,
Учур ғоз, қарға бўлмас, қарға юз машқ бирла боз ўлмас.

Чаман бағрингда ўсган олмаларга гард қўндирмай,
Чўзилмак бирла ҳар ётнинг унга дасти дароз ўлмас.

Лабингдек лаъли жоми бахтли бўлмайдур, аё дилбар,
Лабингдан ўпса, ҳарчи айт, нечукким сарфароз ўлмас?

Яна ўз ичида бир марта ўқигандай бўлади, китобнинг қатига солиб қўяди. Ишига тушиб кетади.

Х а д и ч а а м м а (чархни секинлатиб). Айланай болам, «Отанг неччилик — бўзчилик. Сенга ким қўйди бу

номаъқулчилик», деганларидай, шу байт-газалингни йиғиштириб, ҳарна моки отганингда, ҳалигача бир эмас, ўнта дилбарга қурбинг етиб қолар эди.

С а т т о р. Бозорда ҳар икковининг ҳам нархи бир. Иста шоҳи тўқи, иста аруз билан шеър ёз. Ишқилиб, дунёда ном қолдириш керак. Сиз шайхи Аттор валнини билмайсиз.

Эшикдан овоз келиб қолади.

Т о л и б. Саттор, ҳов, Саттор. Олдингда қочадиган одам йўқми?

Х а д и ч а а м м а. Болам, шу ўртоғинг саёқ, бузуқ йиғит-да. Худо урган хулқи заҳар.

С а т т о р. Майли, кампир. Хулқи заҳар кишиларнинг суҳбатида ҳам бир лаззат бор. Сизга атса урдиргандай гап. (*Эшикка қараб.*) Толиб, келавер, ҳеч ким йўқ. Кампирнинг ўзлари.

Т о л и б кириб келади.

Т о л и б. Ассалому алайкум. Ҳа, кампиршо. Тетикмисиз? Ҳали хабар келгунча йўқми?

Т о л и б билан С а т т о р кўришади.

Х а д и ч а а м м а. Ҳа, айланай, Толибжон, банда деган худонинг мулки, қачон хабар келса, ўша кунни тайёрмиз, ишқилиб, ёшларга умр берсин.

С а т т о р. Қўе, нафасингни бузуқ қилма, кампирнинг ўн гулларидан биттаси ҳам очилгани йўқ. Қани серрайиб турма, юқори чиқ.

Толиб юқори чиқиб ўтиради. Кампир чархни йиғиштириб, унга мулозимат қилади. Кампир дастурхон тайёрлаш учун ҳужрага кириб кетади. Саттор ишни қўйиб, дўкандан тушади. Толиб ёнига бориб ўтиради.

Т о л и б. Амма, майда-чуйдага овора бўлманг. Чой-пойнинг кераги йўқ. (Сатторга қараб илжайди. Тўнининг орасидан бир шиша винони Сатторга имлаб кўрсатади.)

С а т т о р. Хўш, бугун ишга бормадингми, виход-нойми?

Т о л и б. Йўғ-э, бугун иш бор. Кеча мояна олган эдим. Жуда бош сирқираб оғриб турган эди, прогул қилиб қўя қолдим. Ҳукуматимиз бир кун кейинроқ бой бўла қолар, дедим. Миям худди йўлпашша қамалган хумдай гўнғиллаб турибди. Бунинг устига ишга борсам тўқув машиналарнинг шарақ-шуруқи жуда еб ташлайди.

С а т т о р. Тўғри. Мастликнинг жазоси — хумор. Ялқовлик ҳунар бўлса, паришонлик — мояна. Бошлиқларнинг бир нима демайди?

Т о л и б. Бошлиқлар тўғрисида хотиржамлик. Битта оғайним бор. Ўзи жуда қулинг ўргилсин йигит. Қайтага ишга бормасам хурсанд бўлади. Кеча у билан бирга эдим. Бир-икки кун келмасанг ҳам майли, дўхтир ошналаримдан бюллетин олиб бераман, деди. Энди цех бошлиғимиз бўлса, Шарифжон аканинг қизи Дилбар. Девдай-девдай йигитларга аёл киши бошлиқ бўлиб қолгандан кейин, яна иш хуржун. Маҳмадона, чигирткадай ҳали унинг тепасига, ҳали бунинг тепасига бориб чирқ-чирқ қилади. Кишининг энсалари қотиб кетади.

С а т т о р. Йигитнинг кўрки соқол, деган. Соқол билан сочи ўртасидаги фарқ, супурги билан тароқ ўртасидаги фарқ билан тенг. Цехингизга сочли киши бошлиқ бўлса ишингиз кўркам бўлади. Дарвоқе, шу қиз ўзи қалай қиз? Очилиб-сочилиб йигитларга бошлиқ бўлиб юргандан кейин, анча шамоллаб ҳам қолган бўлса керак.

Т о л и б. Лекин ишига пишиқ. Бутун текстиль десам ҳам бўлади, унга айланишганлар кўп. Ҳеч қайсисига бўй бермайди. Ҳа, нима бўлди, суриштириб қолдинг? Сен ҳам унга жигарсўхталарданмисан? У ўлиб қолганда ҳам якка

қўл косибга тегмайди. Агар текстилга кириб, иш кўрсатсанг аҳтимол. Бўлмаса овора бўласан.

С а т т о р. Улфатга — туҳмат қофиядош. Ҳали унга жигарсўхта бўлиш учун юрагимдан жавоб сўрагунимча йўқ.

Т о л и б. Ҳали сен эшитдингми, йўқми, бизнинг маҳалладан тортиб Сўфитўлгай маҳалласигача, ундан мана шу ергача ҳаммаси бузилар эмиш. Ўрнига текстиль ишчилари учун шаҳарча солинар экан. Бошқа ҳовлининг ҳаракатини қил.

Ҳ а д и ч а а м м а қўлида дастурхон кўтариб киради. Уни меҳмон олдига ёзиб, гапга аралашади.

Ҳ а д и ч а а м м а. Вой, худой, қандай шўрлик бандалар эканмиз. Бу гап энди ростга чиқди, дегин-а, Толиб-жон? Киндик қони тўкилган жойдан энди қаерга ҳам борамиз? Кеча болалар: «Амма-чи, амма, танобчилар ўлчаб, ҳовлингизнинг бурчагига темир қоқиб кетди», деганда ишонмаган эдим. Ростга чиқдимми-я, бузилади дегин-а, вой худое...

Т о л и б. Бузилади. Бугун бўлмаса эрта, ишқилиб, бузилади, кампир.

С а т т о р (нон ушатиб қўяди, «олинг-олинг» қилади.) Лекин ҳовли бузилиши тўғрисида «Нурнома»да ҳам ҳеч гап йўқ. Фабрика билан косиб харсанг билан шишага ўхшайди. Истаса, харсанг келиб шишага тегсин, истаса, шиша бориб харсангга тегсин. Ҳар икки ҳолда ҳам синади. Энди ҳовли бузиладиган бўлса, бу тарафдан ҳам сиқилдик, деган сўз.

Т о л и б (кампирнинг кўзини шамғалат қилиб винони очади. Бир пиёлани қуйиб ўз олдига қўяди.) Хўш, қани, энди айт-чи, Саттор, бозорнинг аҳволи ўзингга маълум, ҳовли-жой бўдса бу аҳволда, сен нима қилмоқчи бўласан? Ўйлаб кўрдингми?

С а т т о р. Бир нарсани ўйлаб кўриш деган сўз — си-
бизга. Етти тешиги бекилганда ҳам саккизинчисидан овоз
чиқади. Мен уч нарсани мулоҳаза қилиб қўйибман. Ё та-
мом сингунча якка қоламан, ё бор дейману текстилга ки-
риб кетаман, ё Шоҳи Машрабдай кўча-кўйда байт-ғазал
ўқиб, қаландар бўлиб кетаман. Ишқилиб, дунёда ном қол-
дириш керак.

Х а д и ч а а м м а. Болаларим, жиндаккина овқат қи-
либ берайми? Толибжон, сенинг ҳам ишинг йўққа ўхшайди.

С а т т о р. Қўноқ қўйдан ювош, қуйруқ берса ҳам еяве-
ради. Бир нима овқатга урнаганингиз маъқул. Иннайкейин,
Толиб деганингиз газаксиз тузалмайди.

Х а д и ч а а м м а. Вой айланай болам-эй, тагин ўша
балойи бадинг борми, нега ичаверасан, болам, ахир, бу қур-
гур ҳам пулга, ҳам оврангга зарар беради-ку?..

С а т т о р. Обрў дегани — дарвознинг лангари, қийшай-
ган тарафга йиқилишга мажбурсан.

Бу гапдан кейин сир очилади. Ортиқ яшириб туришнинг ҳожати
қолмайди. К а м п и р чиқиб кетади. Т о л и б ўзи ичади. Бир пиёлани
қуйиб С а т т о р га узатади. Саттор кўнмайди.

Т о л и б (қистайди.) Ичавер. Ўзи ширин, хотинлар
ичадиган вино. Ўлиб қолмайсан. Ўзинг ҳам тоза зериккан
кўринасан. Чигилинг ёзилади.

С а т т о р (ноилож қолади, олади.) Хайр, ичсам ича-
йин. Ичкилик — кўнгил сандигининг калити, деганлар.
(Ичади.) Лекин бу ишнинг пирхонада бўлгани чакки бўл-
ди-да.

Т о л и б. Менимча, қаландар бўлиб кетган ҳам маъ-
қул. Текстилда ҳам ишларнинг мазаси йўқ.

С а т т о р. Моянанг қаңча?

Т о л и б. Гап моянада эмас. Ишлашингга қараб бера-
ди. Лекин мен кам ишласам ҳам даромадим жойида... Ин-
найкейин, ҳали мен сенга айтган оғайнимда гап кўп. Унинг

гапига қараганда, бора-бора шу текстиллар ҳам ҳукуматдан ўзимизга ўтиб кетармиш, мен кўпроқ шунинг илинжидаман, бўлмаса бир кун ҳам ишламас эдим.

С а т т о р. Бармоғингни кўзингга ботирсанг тилла ҳалқа кўринади-я, худди шу ҳалқани тутиб олган кунинг текстилдан юзта машина сеники. «Калила» деган китобни эшитганмисан?

Т о л и б. Калила-палилангни билмайман. Сенинг серқочирим гапларингнинг ҳам ярмисини тушунмай қоламан.

С а т т о р. Тўхта бўлмаса, сенга шу китобдан бир ҳикоя ўқиб бераман. (*Туриб китобни олиб келади, варақлаб-варақлаб бир ерини очади, ўқий бошлайди.*) «Ҳикоят. Бир кир юватурғон киши бор эди. Ҳар куни бир ариқ лабида ўз кирларини чайқар эди. У ҳар куни бир ёввойи ғозни кўрар эди. Ғоз ариқдан сузиб, сув ичидаги қурт-қумурсқаларни овлаб, шу билан қаноат қилар эди. Бир куни бир учқур қирғий келиб, бир семиз какликни ов қилди. Буни кўрган ғоз ўз-ўзича ўйладики, қирғий шунча кичик жуссаси билан катта-катта мойли луқмаларни ов қилади. Мен бўлсам шундай улуғ гавдам билан чувалчанг ейман. Бу ҳаммаси ўзимнинг паст ҳимматлигимдан. Бундан кейин кабутар ҳам какликлар ов қилғоним бўлсин, деб қасд қилди. Кир юватурғон киши узоқдан қирғий ва каклик ҳолини томоша қилиб, ғознинг бир ерда ҳайратда қолғонини кўриб, таажжуб қилди. Кузатиб тура берди. Худди шу пайтда бир кабутар учиб келиб сув лабига қўнди. Ғоз унинг кетидан қувди. Кабутар ғозга чап бериб олдидан ўтди. Ғоз кейин қолиб сувнинг лабига йиқилди ва оёғи лойда қолди. Ҳар қанча уринса, лойга кўпрак ботиб кетар эди. Кир юватурғон киши келиб, ғозни ушлаб олди. Йўлда унинг бир ўртоғи йўлиқиб: «Бу нима?» деб сўради. Кир юватурғон киши унга: «Бу қўлидан келмайтурғон ишга уннаб, ҳаётини елга берган бир ҳайвон», деб жавоб берди». (*Китобни ёпади.*) Хўш, энди, текстилни қачон бўшатиб олмоқчисиз?

Толиб (бир пиёла қуйиб ичади). Ке қўй, шу китоб-питобингни. Сенинг олдинга қачон суҳбат қилгани келсам, ишинг насиҳатгўйликдан нарига чиқмайди. (Бир пиёла қуйиб Сатторга узатади.) Мана муни ҳам ич.

Саттор олиб ичади. Хадича амма лаганда қовурма келтириб қўяди. Ўзи ҳам ўтиради. «Олинг-олинглар» билан ея бошлайдилар.

Хадича амма. Болам Толибжон, хотининг яхшигина юрибдими, бўйида бўлай-нетай дедими?

Толиб. Хотинимдан ҳам феълим айниб турибди. Нуқул «Ичасан», деб койийди. Ҳали: «Уним йўқ», ҳали: «Буним йўқ»... Улар бўлсам ўлдим.

Саттор. Яхши хотин-халачўп. Эркакни хала қилиб турмаса, йўргаламайди. (Бир нафас жимжит, овқатга машғул.)

Овқат пировардига келиб қолади.

(Қўлини артади.) Худога шукур...

Шу пайтда эшикдан: «Мумкинми?», деган овоз келади. Дилбар қиради. Толиб дарров шишани яширади. Саттор туриб уни қарши олади. Хадича амма жуда қувониб кетади.

Хадича амма. Кел-а, бўйингдан гиргиттон бўлай, Дилбархон. Қайнонанг суяркан.

Дилбар ҳамма билан кўришади.

Дилбар. Ия, Толибжон акам ҳам шу ерда эканлар. Нимага бугун ишга бормадингиз десам, бу ерда экансиз. Ўзингиз ҳам гадой топмас ерларда буқиниб юрасиз-да. Ҳойнаҳой эртага бюллетень кўрсатарсиз. Баракалла-е...

Саттор. Қани, юқори чиқинг, овқатга.

Хадича амма. Қани, чиқ, болам, чиқ.

Дилбар. Йўқ, раҳмат, амма. Ҳозиргина овқатланиб

келдим. Қани Саттор ака, байрам ҳам яқинлашиб қолди. Шоҳини қўлга олдингизми?

Т о л и б секин қўлини артади. Сирғиб, Дилбарнинг кўзини шамғалат қилиб чиқиб кетади.

С а т т о р (хижолат чекканнамо). Ваъда деган хира пашша, тутмагунча ҳалақит беради. Куни эртага дўконга соламан. Биринчи иш сизники. Узоғи — тўрт кун. Ўзим олиб бориб бераман. (Дўкондаги шоҳини кўрсатиб.) Мана, ўзингиз кўриб турибсиз, бу ишдан бир қулочча дўкон таги қолди. Кечгача зўр берсам тугайди. Дўкон бўшайди.

Д и л б а р (дўконга яқинлашиб шоҳини кўради, Сатторга қарайди). Саттор ака, ўзингиз ҳам жуда силлиқдўзсиз-а, мана бунинг товланишини қаранг, битта лос деган нарса кўринмайди. Сиздай кишилардан бизда — текстилда ҳам кўпайса, қандай яхши бўлар эди. Ҳали ҳам келинг қўйинг. Мен шоҳи киймасам ҳам майли, бизга ишга кинринг.

С а т т о р. Сизда чит тўқилади-да, ипак иш бўлганда, садағайи сўзингиз, ўша кунни кирар эдим. Яқин кишининг сўзи — дўппи, бошга қўймасдан ҳам, киймасдан ҳам иложи йўқ.

Х а д и ч а а м м а. Айланай, Дилбархон, замон шундай кетаверса, кирмай нима қилади? Иложи йўқ, кирари.

Д и л б а р. Киринг, жон Саттор ака. Сизнинг қўлингизда ип ҳам ипакдай товланиб кетади. Мана сизга истаганингизча шогирдлар топиб бераман. Ўзим ҳам сизга шогирд тушаман.

С а т т о р. Шогирд деган — дарича. У қанча кўп бўлса, дил шунча равшан бўлади. Лекин мен текстилга борсам аввал сизга шогирд тушаман. Чунки мен ундаги машиналарнинг биронтаси билан ҳам ошна эмасман.

Д и л б а р. Бунинг иложи жуда осон. Мен сизга яхши усталарни боғлаб қўяман. Шу кунтингиз бўлса, тез фурсатда ўрганиб оласиз. Мана, Толибжон акам айтсинлар. (*Кўзи билан Толибжонни қидиради.*) Толибжон қани? Оббо, қув-эй, аллақачон чиқиб қочибди-я. Хўпми, борадиган бўлдингизми?

С а т т о р. Маслаҳатлашиб кўрамиз. Маслаҳат — розиликнинг тузоғи. Илиндингми — қутулиш қийин.

Д и л б а р. Ҳали ҳам шеърлар ёзиб турасизми?

Х а д и ч а а м м а. Бўш қолди — қиладиган иши байтгазал.

С а т т о р. Яхши шеър — қалайи. Ишқ билан умрни бир-бирига кавшарлайди.

Д и л б а р. Шундай қилиб, шоҳини қачон оламан?

С а т т о р. Тўрт кундан кейин. Гап битта. Гап — пиёз тўғралган пичоқ. Артмаса занглайди.

Д и л б а р (*кулади*). Сизнинг сўзингиз доимо она-болалик бўлади-да. Ҳойнаҳой бунга ҳам тўқирсиз. Ҳа? Она-бола — қумрининг қуйруғи, бир-биридан ажраса кўрки кетади.

Ҳаммаларни куладилар.

Хайр бўлмаса, мен кетдим. (*Хайрлашиб чиқиб кета бошлайди.*)

Х а д и ч а а м м а. Хайр, болам, хайр, келиб тургин.

С а т т о р. Кетиш-келишнинг хамиртуруши.

Д и л б а р ят этиб Сатторга қарайди. Бир табассум қилиб қўяди. Чиқиб кетади. Саттор дўконга ўтиради. Хадича амма чархга ўтиради. Саттор гўнгиллаб ашула айта бошлайди.

Парда тушади.

Иккинчи кўриниш

Бозор. Бир тарафда — текстиль моллар дўкони. Бир тарафда — бошқа турли саноат кооперативлари. Урталиқ майдонда — майда чайқовчилар. Биттасининг елкасида яшикчада қурт, хўрозқанд, сурнайча. Биттаси товуқ кўтарган. Биттаси эски шим ва ҳоказо... Эркак-аёллардан паранжили-паранжисиз, турли миллатлардан қўрама бир кўриниш. Ҳар бириси ўз молини мақтайди. Чуввос. Шулар ичида бир кийимлик шоҳи кўтариб Саттор ҳам юрмоқда.

Бириси. Олинг, олинг, шинавандага сотаман. Каласнинг носвойи, Қаршининг тамакиси. Ариқ бўйида чекмангиз элитади. Хуммори нос, хуммори.

Иккинчиси. Сузмақурт, сузма.

Бир паранжили хотин. Биттагина қолди. Ишай иштонбоғи. Хотинини яхши кўрганга сотаман. Янги куёвларга сотаман. Ипак иштонбоғ.

Сатторга яқинлашади.

Айланай уста, шу иштонбоғни олиб қўйсангиз-чи, жуда ҳам арзон қилиб бераман. Бир дона ҳам қазна аралашмаган. Хотинингиз оламда йўқ қувонарди-да... Ола қолинг.

Саттор қўли билан «ўтавер» деб ишора қилади.

(Хотин жавраб ўта бошлайди.) Биттагина қолди. Ипак иштонбоғ.

Бир инвалид. Дрожжи. Камиртуруш, камиртуруш. Примус иголкаси бор. Мозольний пластирь, мозольний пластирь. Кадак малхам, кадак малхам.

Бозор инспектори (бир эски китоблар кўтариб юрган чакана саҳҳофни ушлаган, судраб кела бошлайди). Кеча ҳам тагжойи пулни бермай, лақиллатиб кетган эдинг. Бугун двойной тўлайсан, қани, бўл!

Саҳҳоф. Ургилай, мулла ака. Ахир, мана ўзингиз берган кафтансани қаранг. Тўлагапман. (Қоғоз чиқариб кўрсагади.)

Улар жанжаллашиб ўртага яқинлашиб қолганлар. Бозор инспекторини кўриб, кўп чаканачилар ўзини четга олади. Саттор ҳам шоҳини кўйнига уради. Томошабинлар уларни ўрайди.

Муллажон, ахир бозорнинг касодлигини биласиз. Шу бештагина «Санубар», «Маликаи Дилором», «Шароит ул-имон», «Ахлоқи мустаҳаб», «Қоидаи мусвок»ни ким ҳам ола қолади? Бизникини партав қилиб қўя қолинг, жон муллаака.

Инспектор (қоғозни қўйиб). Қани, тез бўл. Тагжой пули — бу сенга мачитнинг ҳалими эмас. Бу қоғознинг ўтган ойники. Қани, айт, тўлайсанми, ё финотделга етаклаб чиқайми? (Чўнтагидан ҳуштакни олиб чалмоқчи бўлади.)

Саҳҳоф ялиниб-ёлвориб, чўнтагидан пул чиқаради. Можаро шу билан тугайди. Инспектор кетади. Бозор яна илгариги тусини олади.

Инвалид (узоқдан овози келади). Кадак малхам, кадак малхам. Мозолний пластирь, дрожжи...

Хотин. Ипак иштонбоғ сўраган борми?..

Бир колхозчи (Сатторга яқинлашиб). Ака, шоҳингиз сотиладиганми, кўрсак бўладими?

Саттор (шоҳини очиб.) Мана, марҳамат қилинг. Дунёда кўрса бўлмайдиган нарса йўқ. Кўзни авайламасангиз куннинг доғини ҳам кўриш мумкин.

Колхозчи. Қанча сўрайсиз? Нарҳини қочирмайдиганроқ қилиб айтинг-чи.

Саттор. Отни қамчин йўлга солади, бозорни — нарх. Бир юз ўттиз сўм берасиз.

Колхозчи. Уҳ, уҳ, шунинг ўзи бир юз ўттизми, ёки ёнида ҳовлингизнинг васиқаси ҳам борми?

Саттор. Васиқа деган нарса — эснаш. Кишидан кишига кўчади. Бизнинг ҳовлининг васиқаси яқинда текстиль ишчиларига ўтмоқчи.

Колхозчи. Бўлмаган гапни қўйинг, бўларини айтинг, эллик сўм берсак бўладими?

Саттор. Қулоқ — сувнинг гирдобига ўхшаган нарса, унга чўпу хас ҳам оқиб кириши мумкин. (Қурамадан шоҳини буклаб кета бошлайди.)

Колхозчи (унинг орқасидан.) Ҳа, майли, эллик беш сўм олинг.

Саттор индамайди. Колхозчи текстиль кооперативига кириб кетади.

Бир хотин. Ҳой яхши йигит, шоҳингизни кўрсатинг. Нархини жўнлаброқ айтинг.

Саттор. Мана, хола. (Шоҳини очиб кўрсатади.)

Хотин. Вой ажабми-ей, мунчаям силлиқ шоҳи бўлмаса! Аттанг-аттанг, сал нухаси бачканароқ экан-да. Шу гунафша ўрнига пистоқи бўлармиди-я. Вой-ей, мана бу зангори ўрнига гулнор бўлгандами, жуда ҳам очилиб кетар эди-да. Ҳа, майли, кўргулик-да, болам. Неча пул берай? Бир етимгина қизни чиқармоқчи эдик. Бир кийим шоҳига қараб, тўйи тўхтаб турибди. Нах дуо қилавериб, эси кетарди-да...

Саттор. Нуха — қала кавуш, ҳаммага ҳам бир қоллидагиси тўғри келавермайди. Дуо бўлса кўрнинг туши, эгасигина лаззатланади. Шоҳининг нархи бир юз йигирма сўм, хола.

Хотин. Вой ўлай, сал жўялаб айтинг, ўргилай. Бир юз йигирма сўмга камбағал одам уйланиб олади, гиргиттон.

Саттор. Орага шоҳи билан кампирлар аралашмаса камбағал йигит билан етим қиз истаган ЗАГСда уч сўм

олтмиш тийинга уйланиши мумкин. Майли, сиз учун шоҳининг бўлар жойи бир юз ўн сўм.

Хотин. Ҳамма пулим қирқ беш сўм миркам икки танга, шунга бера қолинг. Яхши йигит. Худоё етти ўғилга бош бўлинг, сиз ҳам тўйлар кўринг.

Саттор. Етим қизнинг тўйи — сирка қиёми. Тахир қилса бузилади. Шоҳига қараб тўйни тўхтатмаганингиз маъқул. *(Шоҳини тахлаб, нарироққа кетади.)*

Хотин ноумид ўрнида қолади. **Саттор**нинг рўбарўсидан **Толиб** келиб чиқади. **Толиб**нинг қўйни дўппайган. **У**нинг орқасидан бир кекса қистаб келмоқда.

Кекса. Кела қол энди, болам. Ўттиз сўм берай. Жуда ҳам айтганингда туриб олма. Сендан ахир баҳра олсак далага кетмас, ўттиз сўм берай.

Толиб. Бўлмайди, дегандан кейин, бўлмайди. Киши кексайгандан кейин жуда миясини еб қолар экан-да, бобой, бўлмайди.

Кекса. Ҳа энди, болам, битта узук-юлуқ тандага отангнинг хунини қўйиб ўтирма, бор ана, ўттиз бир сўм ҳам ола қол.

Толиб. Бўлмайди. Ахир бу сиз айтган ўзимизнинг косиб танда эмас. Буни менга Масковдан бир оғайним юборган, совға. Ноиложликдан сотмоқчиман. Бу ахир завод танда. Фаранг ипдан қўйилган танда.

Кекса. Оббо. Жуда ҳам ўз сўзлик йигит экансан-да, болам. Ўттиз иккига бердингми? Барибир бундан ошириб сотомайсан.

Толиб. Ўзингиз ахир гапга тушунасизми, бу завод танда деяпман-а. Ана шу ўзимизнинг текстилда ҳам шу тандадан қўяди. Текстилни...

Саттор келиб қолади. **Толиб** гапни бошқа ёққа чалғитмоқчи бўлади.

Сотмайман, бобой, овора бўласиз. Ўзимга керак. Ўзим ҳам бир одамдан ялниб олдим.

С а т т о р. Ўзи нима?

Т о л и б. Бир пар эски саллоти кўйлак-иштон.

К е к с а. Ёлғон, ёлғон, болам. Бир бутун фаранг танда. Сота қол, болам. Ҳа, ана ўттиз уч сўм ола қол.

Т о л и б кексага хўмрайиб қарайди.

С а т т о р. Ёлғон гап — чишинг ғилофи. Эски кўйлак-иштон орасида танда бўлса бордир. Берақол, Толиб, кексани ранжитма. Косиб одам ахир тўқиб чиқса бир нима қўл ялайди.

Т о л и б бир оз бўлашиб, уят аралаш ҳадиксираб олади.

Т о л и б. Ўзингиз ҳам жуда елим чол экансиз-да, бобой. Мана, ўртоғим ҳам ўртага тушиб қолди. Оладиган бўлсангиз, бўлган жойи қирқ сўм.

С а т т о р. Қирқни қирқ, деганлар. Қани, ота, пулни чиқаринг. Бозорда ҳаракат бўлиб тургани маъқул. Бозор бу — тарозунинг шайини. Баъзида сотувчига, баъзида харидорга огади. Молни кўрмаган бўлсам ҳам, унинг нархи ўттиз беш.

К е к с а (ёнчиқни ковлаб). Ўттиз тўртта ҳам бўлмайди, дегин-а, болам? Хайр, хайр, сазанг ўлмасин. (Пулни санаб бера бошлайди.)

Т о л и б (ўралган нарса — «танда»ни кексага беради.) Ўзидан ҳам камида бешта кафаплик тушади-да, бобой. Ички-ташқи кийиб олаверасиз. Қани, қўлни беринг. Бор барака топ! Бозорга энди айланишманг. Аткас мол.

К е к с а. Хўб, хўб, болам. Ҳозир чиқиб кетаман. Бир қўчқорнинг боши кетгунча, юзта эчки ўзини қанорада кўради. Отанг ўргилсин.

Ч о л сирғилиб чиқиб кетади.

Т о л и б (Сатторга.) Қани, юр. Жиндак-жиндак отамиз.

С а т т о р. Раҳмат. Ҳали ишни сотолганимча йўқ.

Т о л и б. Юраверсанг-чи, қайтиб келгунигча бозор қизиб қолади.

С а т т о р. Йўқ.

Т о л и б. Яримтагина.

С а т т о р. Ичмайман.

Т о л и б. Оббо, дунёга тузоқ қўйганман, дегин? Дилбарнинг қалини унча кўп эмас. Ўзингни мунча ўтга-чўққа урмасанг ҳам бўлади.

С а т т о р. Паришон оғиз — эшиксиз ҳовли. Ҳали-бери уйланмоқчи эмасман.

Т о л и б. Нозингни қара-я. Оилали бўлиш ёмонми?

С а т т о р. Оилали киши — думли юлдуз. Кўнгли кўкда, чочвоғи ерда.

Б и р к и ш и. Ҳой ука, шоҳингизни кўрсатинг.

Д а л л о л н а м о б и р к и ш и. Ҳа-ҳа, худди шу йигининг шоҳисини олинг. Барака тошгур ўзи ишни жуда ихлос билан тўқийди. Бунинг ишларининг таърифи бу тарафи Бухоро, бу тарафи Ўзгангача кетган. (Сатторнинг қўлидан ишни тортиб олиб, худди ўзи сотаётгандай.) Бай-бай, пухасини, ипагининг тўлалигини қарап-а. Қани, ука, келиштириб сўранг-чи.

С а т т о р. Бўлар жойи — юзта сўм.

Д а л л о л н а м о (олувчига.) Қани, сиз ҳам бир нима денг. Битар ишнинг бошига яхши келар қошига.

О л у в ч и. Йўқ, бизга тўғри келмайди. Текстиль дўкондан олсам бўлмайдими, унда эни мана бундай (қулоч ёзиб кўрсатади), ўзи тўқимдай шоҳиларнинг метри саккизта сўм. Беш метридан ҳар қандай (кўкрагини кўтариб кўрсатади) бўла хотинга ҳам қўйлак чиқади. Бу бизга тўғри келмайди.

Даллолнамо. Хайр, қани, шакар оғзингизда. Бир
нима денг.

Олувчи. Берсангиз, қирқ сўм берайин.

Даллолнамо (Сатторга). Қани, ука, қўлингин бер.

Орага Толиб суқилади. Шоҳини даллолнамонинг қўлдан тортиб
олади. Уни итариб ўрнига ўзи киради.

Даллолнамо (Толибга). Ҳой, ука, сенинг ўзинг
кимсан? Ахир, бу ердагилар ҳам нон деб юрибди.

Толиб. Кўтарил, бозорингни қил. Сенсиз ҳам бу ер-
да иш битириб юрганлар топилади.

Саттор (олувчига). Оғайни, мен текстиль билан бел
синашмоқчи эмасман. Зийрак киши бир нарсани санамай-
ди. Мен машина ҳам эмасман.

Толиб. Тўғри, ўртоқ. Ахир, текстилдагилар ҳам шу-
ларга ўхшаган йигитлар-да, жўялик қилиб сўранг. Жуда
ҳам ерга урманг.

Олувчи (яна бир мартаба ишни очиб ағдариб кў-
риб). Майли, берар бўлсангиз, қирқ беш бераман.

Даллолнамо (Толибга). Ширинкомани ўртада
қиласан, ҳой, йигит.

Толиб. Ҳали анча пастдасиз. (Сатторни кўрсатиб.)
Бу йигит ҳам унча қийин-қистовга оладиган йигит эмас.
Яқинда уйланмоқчи, пулга муҳтож.

Олувчи. Иш кор-хайрга қолган бўлса, майли, беш
сўм қўшдик, эллик сўм берай. Бўлмаса, ўзингиз биласиз.

Даллолнамо. Ҳой, йигит, ширинкомани арра қи-
ласан. Бу ишни мен бошладим.

Толиб. Бурнингни тиқаверма. Кўтарил, бозорингни
қил.

Саттор (олувчига). Бу нархларга келишмайди.

Олувчи. Ўзингиз биласиз. (Кета бошлайди.)

Толиб ҳам даллолнамо (олувчининг орқаси-
дан). Ҳой, ака, бир оз оширинг. Ҳой, бир нима қўшинг.

Олувчи писанд қилмай кўздан йўқолади.

Даллолнамо (Сатторга). Жуда ҳам нархи келган эди-да. Аттанг. Ҳали почин қилганим йўқ эди-я... (Маъюс кетади.)

Толиб (Сатторга). Нима дейсан, юрганинг билан бозорнинг лойини сақич қилишдан бошқа иш чиқаролмайсан. Ундан кўра, юр кетамиз. Озгинагина ичамиз.

Саттор. Қўйсанг-чи, ўзим нима хаёлдаману...

Толиб (ўпкалаб). Хайр бўлмаса, мен кетдим. Эрта уйингда бўласанми?

Саттор. Бўламан.

Толиб кетади. Бозорда чуввос бемаънилик давом қилади.

Саттор (ўз-ўзига). Эй тавба, бир қадоқ ипак неча пулу унга сарф бўлган меҳнат неча пул! Шунча қунт-идрок тўкиб битта ишни бозорга олиб чиқасан. Ҳамма харидор сени майна қилганга ўхшайди. Йўқ. Бу билан иш битмайди. Ё текстилга ишга кириш керак, ёки қаландарлик. Иш-қилиб, дунёда ном қолдириш керак.

Шу пайтда хўрозқанд сотиб юрувчи Сатторнинг ёнига келиб, унинг қулогига яқинлашиб, кичкина сурнайчасини чала бошлайди.

Саттор (унга қараб). Тўғри, менинг иш тўқийдиган дўконимдан ҳам шу сурнайнинг овози чиқади. Ҳамма ерда ҳам бизнинг толега сурнай чалинган.

Бозорни йириб-ёриб учта маст йигит келади. Саттор ёнида тўхтади.

Биринчиси (ўртоғига). Ҳой, менга қараларинг. У пошшахоннинг олдига қуруқ борамизми, битта нима ола кетайлик.

И к к и н ч и с и. Бир шиша атир, икки чайнам сақич — бўлди, кўнгли кўтарилиб кетади.

Б и р и н ч и с и. Паст, номард.

У ч и н ч и с и. Ўзларинг биласанлар.

И к к и н ч и с и. Бўлмаса, ўттизта маптини битта нонга босамиз, бўлди, кўнгли кўтарилиб кетади.

Б и р и н ч и с и. Паст, номард.

У ч и н ч и с и. Ўзларинг биласанлар.

И к к и н ч и с и. Нима дейсан, бўлмаса, икки қадоқ новвот, бир кийимлик чит — бўлди, кўнгли кўтарилиб кетади.

Б и р и н ч и с и. Паст, номард, мана бу шоҳини ола-
миз.

У ч и н ч и с и. Ўзларинг биласанлар.

И к к и н ч и с и (*Сатторга*). Ҳой, ука, шоҳинг неча пул? Қани, кўрсат.

С а т т о р (*қўрқа-писа кўрсатади*). Тўқсон сўм бера-
сиз-да. Лекин эзилмасин.

Б и р и н ч и с и (*Сатторга*). Паст, номард. Эзилганда бир нима бўладими? Ё бунинг пошпахонми? Саксон сўм, бўлдимми?

У ч и н ч и с и. Ўзларинг биласанлар.

И к к и н ч и с и. Бўлди, кўнгли кўтарилиб кетади. Пу-
лингни чиқар.

Б и р и н ч и с и (*пул санайди. Сатторга бера бошлай-
ди*). Мана бу ўттиз, мана бу йигирма, мана бу ўн. Қанча
бўлди.

С а т т о р. Олтмиш.

Б и р и н ч и с и. Лабингни чўччайтирма. Паст, номард.
Ма, тагин ўттиз. Қанча бўлди?

С а т т о р. Тўқсон.

Б и р и н ч и с и. Ол ҳаммасини. Айтганинг бўлди. Ко-
сиб деган ҳезалак феъл бўлади.

У ч и н ч и с и. Ўзларинг биласанлар.

Иккинчиси. Бўлди. Кўнгли кўтарилиб кетади. Кетдик.

Ҳаммалари айқалиб-чайқалиб кетадилар.

Саттор (анча ўйланиб қолади). Ҳар ҳолда косибнинг молини ҳушёр олмайдиган бўлди. Маст — ҳушёр дилнинг ойнаси. Маст кўпинча сен айтмоқчи бўлганини айтади. (Ўз-ўзича.) Энди волидан пошшахонга нима олсам экан? Икки қадоқ гўшт, бир қадоқ пашмак — бўлди. Кўнгли кўтарилиб кетади. Тағин ўзларнинг биласанлар. Паст, номард, қани кетдик. (Чиқиб кетади.)

Уни бозор ола-говури кузатиб қолади.

Парда тушади.

Учинчи кўриниш

Сатторнинг ишонаси. Биринчи кўринишда кўринганча. Саттор ерда ўтиради. Олдида лавҳ, сиёҳдон, қоғоз тагига «Калла»ни қўйиб бир нима ёзмақда. Хадича амма уйи билан дўконхона ўртасида ўймаланиб юради.

Саттор (ичида бир нималарни ўқийди, бир нималарни ёзади). Уҳ... Шундай қилиб, волида, бу кун косибликнинг сўнгги куни. Бир ишнинг сўнгги — ўша ишнинг бошланиш кунини эслатади. Эсингиздами, дадам раҳматли ўлганларидан кейин, биринчи марта ўз бошимча дастгоҳга ўтирмоқчи бўлган куним, худди шу бугунгидай парижон ва маъюс эдик.

Хадича амма. У пайтда бир иш дўконга тушмасдан бурун тепасида пул ўйнар эди. «Уста, менга бер»дан зерикиб кетар эдик. Тонг азондан найча тўлдиришга ўтириб, қош қорайганда оби ёвғонга қарай олар эдим.

С а т т о р (камбирнинг гапларига қулоқ солмайди.
Хат ёзиш билан овора, ўқийди).

Дилбаро, кел, қўлни тут, қилгин мадад сўнгги нафас,
Чархий ожиз йиғламоқнинг тортадир озорини...

Х а д и ч а а м м а. Сени шу ликконбоз қиз оғушта қи-
либ олдию, ишдан совитди. Бўлмаса, худоё шукур, қоғоз-
қалам, байту ғазал билан ҳам ишинг йўқ, ноппа-нозандай
тирикликнинг пайдан эдинг. Рўзгоримиз оз-оздан бў-
либ ҳам фаровончилик эди. Апа келди, мана келди, олам-
да йўқ нусхаларни баҳона қилди, қўлингни ишга бормай-
диган қилди-қўйди.

С а т т о р. Бир ишга совиш — иккинчисига исиш, деган
сўз. Совуқлик — иссиқликнинг жавҳари.

К а м п и р ўзича бир нималарни ғўнғирлайди.

Шундай қилиб, бу шеър ҳам чакана ёзилмади. Шоҳидўз-
лик бўлмаса — шоирлик, бул ҳам бўлмаса — қаландарлик.
Ишқилиб, дунёда ном қолдириш керак.

Х а д и ч а а м м а. Болам, сал нафасингни яхши қил,
энди бир каминг кашкул осиб, жанда кийиб қаландарлик-
миди? Бу гапни бир айтдинг қўймадинг, икки айтдинг қўй-
мадинг.

С а т т о р. Эй, волида, сиз шайхи Аттор валийни та-
нимайсиз.

Х а д и ч а а м м а. Худо кўтарсин ўша сенга пир бўл-
ган, нашаванд атторни!

С а т т о р (камбирнинг гапларини эламайди. Ёзган
шеърини ўқийди).

Риштан жонимдек уздинг оқибат завқ торини,
Мен йўқотдим мутлақо ҳушу хаёлим борини.

Йиғласа арзир киши сўнгсиз бу ҳижрон остида,
Қалбига кўмган эса ҳар ким гўзал дилдорини.

Зим-зиё бир эсдаллик қолди, букун кўнгул етим,
Ўздан-ўзга тинглагучи йўқ юракнинг зорини.

Қайда бахт, қайда муҳаббат, қайда ўйноқ кунларим,
Кўрсатинг буткул йўқолгон касбнинг мазорини.

Дилбаро, кел, қўлни тут, қилғил мадад сўнги нафас,
Чархий ожиз йиғламоқнинг тортадир озорини.

Х а д и ч а а м м а. Айланай, болам. Бир нафасга шу байт-ғазалингни йиғиштириб, гапга қулоқ берсанг-чи, меҳмонларинг қачон келмоқчи эди? Нима оби-ёвғон қиламан? Ахир, тайёрланиб турайин.

С а т т о р (*ўз-ўзига мағрур*). Фоилотан, фоилотан, фоилотан, фоилан. Шеър яхши ёзилди. Бир ҳисобга қараганда ўзини мақташ — ойнага хушомад билан тенг. Ҳа, меҳмонларми — улар қиёмдан сал ўтганда келмоқчи эдилар. Ҳали замон келиб қолсалар керак. Улар меҳмондорчиликка эмас, маслаҳатга келмоқчилар. Маслаҳат — дурадгорларнинг шоқулиси — тош бойланган ипи. Айланиб-айланиб охир бир нуқтада тўхтайтиди.

Х а д и ч а а м м а. Қандай маслаҳат?

С а т т о р. Ҳам уйдан, ҳам ҳунардан кўчишнинг маслаҳати. Кўчиш — иккинчи жойга ўринлашувнинг шотиси.

Х а д и ч а а м м а. Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тош-тарозу. Киндик қони тўкилган ердан кўчиб, иккинчи ерга ўринлашиш осонми, болам?

С а т т о р жавоб бермай, «Калила»га чўмади.

Шундай қилиб, келадиганларга бирор овқатга урнайми?

С а т т о р. Майли. Гуручингиз бўлса ош, бўлмаса қорурма. Гўштингиз ҳам бўлмаса — ҳолвайтар. Ун бўлмаса патир. Бекорга айтилган эмас.

Эшик урилади.

Келувчилар (ўзaro турунглашиб олгандан кейин).
Ҳой, Сатторвой, ҳой, мулла Саттор.

Саттор. Лаббай. Кампир, сиз бошқа ёққа чиқиб ту-
расиз. Қани, марҳамат, кела берингиз.

Эшикдан бир кекса, бир ўрта ёшли киши кириб келади.

Ассалому алайкум, қани, қани марҳамат. Юқорига. Бош-
қалар кўринмайди? Уста Аҳмад, Файзи-халфа, Қорабой-
кичкина, Соли-девкор, булар қани?

Юқорига чиқиб ўтирадилар. Пирлар арвоҳига кекса киши фотиҳа
ўқийди.

Кекса. Келадиган бўлди. Қорабой билан девкор ҳам-
момга кетган экан. Келишиб қолар. Уста Аҳмаддан хаба-
рим бўлгани йўқ.

Ўрта ёшли. Бечора, аёлманд одам. Бировга битта
атлас ваъда қилган экан. Шунини ишлаётган бўлса керак.
Ишламаса бўлмаса.

Кекса. Хўш, мулла Саттор. Дўкон бўш. Нима гап?
Иш қўймадингизми?

Саттор. Уста, дўконни йиғиштирдик. Дўкон — му-
софирнинг оти. Манзил манзилдан дам олгани ҳам маъ-
қул.

Кекса. Шундоқ-ку. Ҳеч бўлмаса дўкон таги бўлса
ҳам дастгоҳда кўриниб тургани маъқул. Пирларга ҳам шу
маъқул. Қуришиб қўйган яхши эмас.

Ўрта ёшли. Ота, мулла Сатторнинг кейинги нусха-
ларини кўрдингизми? Бу нусха билан ҳаммамизни ҳам
синдирадиган кўринади. Ёш-ялангнинг сўрагани шу нусха
бўлиб қолди.

Саттор. Бу нусха аслида меннинг дилмдан чиққан

эмае. Бу нухани бир қиз чиқарган, шу нуха чиқди-ю мен ҳам синдим.

Кекса. Пирлар ҳам, дастгоҳ ҳам аёл кишини хоҳламайди. Аёл киши дастгоҳга қўл урса барака кўтарилади.

Кампир эшик чертади. Саттор туриб дастурхон ёзади, чой-нон қўяди.

Саттор. Қани, уста, нонга қаранг. Қани, марҳамат.

Нон оладилар. Саттор чой қуйиб узатади.

Урта ёшли. Ота, бошқа касабалар келгунча мулла Абдусаттор бир оз китоб ўқиб берсамикан-а, қизиқроқ китобдан.

Кекса. Ҳа, ҳа, жуда маъқул, рисоладанми, «Нурномадан»ми, қани, болам Абдусаттор.

Саттор ўрнидан тўради, «Калила»ни келтиради. Бир ерини очади.

Саттор. Лекин бу рисола эмас.

Кекса. Ишқилиб, пирларнинг насиҳати бўлса бўлдида. Рисола билан «Нурнома»ни дўкондан ажратиб қўйма. Охиратингга фойдаси кўп.

Урта ёшли. Қани ука, бошланг, қизиқроқ жойидан ўқинг.

Саттор. «Бисмиллоҳи раҳмонир раҳим. Ҳикоят келтирибдурларким, бир кишининг икки хотуни бор эрди. Бири қари ва бири ёш ва ул киши ду мўя, яъни соқолин ярми оқ ва ярми қора эрди. Ул киши ҳар бир хотинини олдига кирганда тиззасига бош қўюб ухлашни одат қилгон эрди. Бир кун одати бўйича қари хотун тиззасига бош қўюб уйқуға борди. Кампир унинг юз ва соқолига қараб ўзига айтдиким: «Яхшироқ улдурки, бу киши соқолидан

бир неча тор қораларин юлғайман. Тоинки соқоли оқроқ кўринса, ёш хотуни бунга рағбат қилмоғой. Ёш хотунидан рағбат кўрмаса, нафрат ва малолин фаҳмласа, меҳру муҳаббатин олови ўчгай». Шундай деб ҳавсаласи тугагунча қора соқолларин юлди. Соқолики кампир қўлидадур юлунгони унинг яхшироқ. Иккинчи кун ёш хотун олдиға кириб, тиззасига бош қўюб уйқуға борди. Бу хотун ҳам унинг соқолиға қаради. Кўзига оқроқ кўринди. Ул ҳам ўйладиким: «Бу оқ мўйларни юлай, токи соқоли қора кўринса ўзини ёш сезгай ва кампир суҳбатидан нафрат қилиб, менга кўпроқ рағбат кўрсатгай». У ҳам кучи етгунча оқларин терди. Бу иш ҳар икки хотун тарафидан бир неча фурсат давом қилди. Бир кун шўрлик эркак энгагига қўл юборди, кўрдикн ҳеч нима қолмабдур. Фарёд қилди ва ҳеч ерга етмади». (Китобни ёпади. Меҳмонларға қараб.) Шундай қилиб, уста, мен талай фурсатдан буён икки ўт, икки бир-бирига зид хаёл ўртасидаман. Икки қуённи қувлаган биттасини ҳам туюлмайдн, дегандай, мана, кўриб турибсиз, дов-дастгоҳ қўш хотинликнинг соқолидай юлиниб тамом бўлди. Мана бугун энг сўнги кун...

Эшикдан бир-икки кишининг овозлари келади, «Мулла Абдусаттор, ҳой мулла Абдусаттор», деб чақирадилар.

(*Ўрнидан туриб, эшикка боради.*) Қани, қани, марҳамат. Ҳа, мулла Аҳмад, бормисиз, келинг халфа.

Эшикдан Соли-девкор, Уста Аҳмад, Файзи-халфалар кириб келишади. Сўрашадилар.

К е к с а. Қорабой-кичкина қани?

Д е в к о р. Шу ерда, шу ерда. Кичкина, ахир, ўзингизни кўрсатинг.

Ў р т а ё ш л и. Уста Қорабой-девкорнинг қўлтиғига ҳам яшириниб кетаверади.

Файзи-халфа (ўрта ёшлига.) Фаранг дейман, саҳарни эрта олиб, бу ерга чопган экансиз-да?

Урта ёшли (бунинг исми — Зойид-фаранг). Ҳа, мана уста бобо билан боядан буён мулла Абдусатторга китоб ўқиттириб маза қилиб ўтирибмиз.

Девкор. Қани, тўхтаманг бўлмаса, ўқинг, мулла Абдусаттор.

Кекса. Китоб ҳам айни пул сўрайдиган ерига келган эди. (Сатторга қараб.) Қани, хўш?

Саттор. Шундай қилиб, бугун энг кейинги кун. Маслаҳат сизларда. Хўш, нима қиламиз? Қайси қуённинг кетидан қолмайлик? Косибликнингми? Текстилингми?

Соли-девор. Агар эски замонлар бўлганда эди, қатор-қатор дўкон, ўн-ўн беш халифа-шоғирд гурсиллатиб тепки босиб турганда эди, бозор қарсиллатиб, «Уста, манга бер», деб турганда эди — ҳунаримизнинг садағаси кетсак бўлар эди. Магарамки, текстиль чиқиб қолди. Эмди ҳаммамиз ҳам ҳайронмиз. Ана текстилга кирдик... Юзлаб-икки юзлаб машина дўкон қулочлаб иш чиқариб турибди. Шу иш ўзингники эмаслигини билиб туриб, қандай қилиб ҳам қўл ишга боради?

Саттор. Агарни магарга уйлантирилса — ўртадан кошки деган фарзанд туғилади. Маслаҳатнинг қисқаси нима?

Қорабой-кичкина. Соли акам ҳали ҳам ўша эски девкорликнинг пайдан.

Файзи-халфа. Менга қолса, мен ҳам дўконни йиғиштирдим. Маҳаллага сўфи бўлмоқчиман. Бир балойи нафс ахир тўйиб қолар.

Зойид-фаранг. Бир иложини қилиш керакки, иш-қилиб, ҳунар нобуд бўлмасин.

Саттор. Бошқа касбга ўтиб, «фаранг» деб ном кўтариш учун яна бир касана умр керак дейсиз-да, а?

Қорабойкичкина. Ҳа-да. Ота-бобомиз ўриш-арқоқдан нон ебди. Бошқа ҳунарнинг иложи қийин. Ҳаммамиз ҳам мокининг набирасимиз.

Кекса. Пир-пир ўзимизнинг пир, рисола-рисола ўзимизнинг рисола, демоқчи-да.

Солидевкор. Мен бўлсам қайнатамдан мерос қолган катта тегирмоннинг тепасидаги беш таноб ерга деҳқончилик қилмоқчиман. Ёнимга битта одам соламан.

Уста Аҳмад. Колхоз сизга жойни берди-қўйди. Тагин одам солар эмишлар.

Саттор. Лекин кўкнори экасиз, бирга ўн минг тугади.

Қорабойкичкина. Бу киши ҳали ҳам девкорликнинг пайдан. Ёнғоқдай чақилиб кетса ҳам димоғидан кетмас экан-да.

Эшикдан «Мумкинми?», деб Дилбар кириб келади. Суҳбат тўхтайдди. Ҳамма билан саломлашади.

Дилбар. Уҳ-ҳў, жамоат жам экан. Нима, Саттор акам «Уста пири» тўйи қилиб бераётибдиларми?

Уста Аҳмад. Эй синглим, ҳаммамизнинг бошимизга келган катта тўй, катта кўран тўғрисида маслаҳатлашиб ўтирибмиз.

Дилбар (Сатторга). Саттор ака, тунов куни бериб юборган шоҳингиздан қолганмиди, бир метрча етмай қолди-да.

Саттор. Топилади, топилади. Қани, сиз бундай ўтиринг-чи. (Узи ичкари кириб кетади.)

Қорабойкичкина. Синглим, жуда бош қотган. Ахир, сен ҳам текстилдасан. Бундай бизга бир гапириб берчи. Кирсак очдан ўлиб қолмаймизми? Бизни ҳам оладими?

Зойидфаранг. Ҳунарнинг қадрига етадимиз?

Кекса. Кимни пир дейди, рисоласи борми?

Девкор. Халфа-шогирд сақласа бўладими?

Уста Аҳмад. Ол-ҳа, ҳали ҳам шу гап.

Файзи-халфа. Мачит яқинми?

Дилбар. Мен текстилга киринглар, деб ҳаммангизга ҳам бир мартабадан эмас, минг мартабалаб айтдим. Сиздай ҳунармандларни олмайин кимни олади? Бори-йўқ ҳунарни ишлатадиган жой текстил-да. Агар партиямизнинг этагидан маҳкам ушлаб, кўрсатмаларидан четга чиқмай, чинакам ихлос билан ишланса, ҳеч ким дол қолмайди. Ишлаган одам бахтли бўлаверади. Агар ишда, сифатда ўзингизни кўрсатсангиз, сизга ким шогирд тушмайди? Мана бориб кўрдингизми, йўқми? Текстиль катта обод бир шаҳарга айланиб кетган. Унда йигирма мингга яқин ишчи ишлайди. Ҳар бир цехнинг ўз клуби, ўз қироатхонаси, ишчилар учун баланд-баланд ошиёнали, ёруғ, покиза уйлар, ҳаммомларигача бор.

Уста Аҳмад. Дарвоқе, кечадан бошлаб, бизнинг маҳаллани буза бошладилар.

Дилбар. Бу ерларнинг ҳаммаси бузилиб, ўрнига текстиль ишчилари учун уй-жойлар солинади. Агар сизлар ҳам текстилга кирсаларинг, шу янги уйлардан оласизлар. Қачонгача ахир шу даҳлизу-бўйра, васса жуфт шифт!

Қорабой-кичкина. Мен бўш қолган куним бориб текстилни томоша қиламан. Киришга аллақачон бел боғлаб қўйганман. Лекин юрак дов бермайди.

Соли-девкор. Сен менда халфа эканингда ҳам шунақа, саёқ эдинг. Иш қолиб, доим бозор сайилда тентир эдинг.

Зойид-фаранг. Сизда ипак иш йўқ-да. Бўлмаса кириб, бир ҳунар кўрсатиб қўяр эдим.

Саттор бир кўлида бир тоқа шоҳи, бир кўлида бир лаганда қовурма киради. Шоҳини Дилбарга узатади.

С а т т о р. Фаранг, ипни юз алвон билан ранг этсалар бўлмас ипак, дейсиз-да, а? Йўқ, бу гап сал эскиганга ўхшайди. (*Қовурмани ўртага қўяди. Бориб, яна бир кичик лаганда қошиғи билан Дилбарга келтиради.*)

«Олинг-олинг, олинг» билан ея бошлайдилар.

С о л и д е в к о р. Халфа — шогирд бўлмаганга. ярашур. «Ма, еб ёт», деб биттагина колхозни таги билан берса экан.

У с т а А х м а д. Ол-ҳа, ҳали ҳам шу гап.

К е к с а. Қаерга борсаларинг ҳам, рисола ёндан айрилмасин. Кишидан барака кўтарилмайди.

З о й и д-ф а р а н г. Иш деганни ишга ўхшатиб, биров кўрганда суқи кирадиган қилиб юборсанг, ҳамма ерда ҳам нонинг бутун.

Қ о р а б о й-к и ч к и н а. Майли, мен кирадиган бўлдим. Таваккал.

С а т т о р. Таваккал дегани—қоронғи уйга кесак отиш. Астойдил кирдим, деявер.

Қ о р а б о й-к и ч к и н а. Кирдим.

Д и л б а р. Сиз-чи?

С а т т о р (*ўйланиб қолиб.*) Тақдир — дор. Осилмасанг, осади. Биз ҳам кирдик.

Д и л б а р (*жуда қувониб.*) Ростданми? Яшанг. Сиз-чи, Зойид ака?

З о й и д-ф а р а н г (*қўлини артиб.*) Кўпчиликдан ажраганни бўри ебди. Майли, кириб бир ҳунар кўрсатиб ўйяй.

Ҳамма қўлини артади. Х а л ф а билан кекса фотиҳа ўқиб ўринларидан қўзғалмоқчи.

Д и л б а р. Сиз-чи, халфа бобо?

Ф а й з и-х а л ф а. Мен кетаман. Аср вақти бўлиб қол-

ди. Ҳойнаҳой азон айтгундай киши йўқ. Мачит салавотсиз қолади.

Кекса. Мен ҳам кетаман, намоздан қолмай. Ё пирим!.. (Урнидан туради.)

Дилбар. Сиз-чи, уста ака?

Уста Аҳмад. Уй берадиган бўлса кирамиз-да, синглим.

Девкор. Укам Саттор, битта тандам бор эди. Шуни касанага тўқиб бермайсанми?

Уста Аҳмад. Ол-ҳа, ҳали ҳам шу гап.

Дилбар. Саттор акам энди текстиль ишчиси.

Девкор. Дарвоқе-я. Хайр, мен ҳам кетдим.

Кекса, Файзи-халфа, девкор чиқиб кетади.

Саттор (дастгоҳ ёнига бориб, уни ўпади, ундан кейин «Калила»ни ўпади). Хайр, эски дўстларим. Ярим умримнинг яқин сирдошлари бўлдингиз. Қолган умр бошқа тарафга судрамакда. Кўп хизматингизни қилдим. Оз тузингизни ичдим. Энди ризо бўласиз.

Дилбар. Шундай қилиб, мен сизларга ариза ёзиб бераман. Эртадан бошлаб ишга бора берасизлар.

Уста Аҳмад, Қорабой-кичкина, Зойид-Фаранг. Яшанг синглим, яшанг. (Чиқа бошлайдилар.)

Қорабой-кичкина. Фаранг, эртага мени чақириб, уйғота кетинг.

Саттор. Мен аризамни аллақачон ёзиб қўйганман.

Дилбар. Ҳойнаҳой шеър биландир.

Саттор. Яхши шеър — ярим умр васиқаси. Мана, ўқинг.

Дилбар (олиб ўқийди.)

Қайда бахт, қайда муҳаббат, қайда шонли кунларим,
Кўрсатинг буткул йўқолган касбнинг мазорини.

Дилбаро, кел, қўлни тут, қиғил мадад сўнги нафас,
Чархий ожиз йиғламоқнинг тортадир озорини...

(*Бир оз уялиб туради. Кейин.*) Хўп, Саттор ака. Мана.
(*Қўлини беради.*)

Бир-бирларига термилишиб қоладилар. Д и л б а р уялиб ерга қарайди.

Парда тушади.

[1939]